

10-Мавзу. ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИНИНГ МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТИНИ БАҲОЛАШ.

1. Молиявий ҳолатини баҳолаш кўрсаткичлари ва усуллари.
2. Фермер хўжалигининг даромад ва харажатларни режалаштириш
3. Корхонанинг пул оқимлари, башорат баланси ва зарар курмаслигини баҳолаш.

Қўлланиладиган педогогик технологиялар: Маъруза, «ақлий хужум», намойиш этиш.

1. Молиявий ҳолатини баҳолаш кўрсаткичлари ва усуллари.

Молиявий режа бу бизнес-режанинг якунловчи бўлимидир. Унда корхона фаолиятини молиявий таъминлаш ҳамда мавжуд пул маблағларидан жорий молиявий ахборот ва махсулотни сотиш башоратлари асосида энг самарали фойдаланиш масалалари куриб чиқилади. Айнан шу бўлимдан инвестор ёки банкир олиш мумкин булган фойда микдорини, карз берувчи эса потенциал карз олувчининг уз карзини кайтариш учун имкониятларини билиб олиши мумкин.

Молиявий режа бизнес-режанинг бошка бўлимларида келтирилган маълумотларга зид келмаслиги лозим. Молиявий режадаги номутаносибликлар молиячи мутахассисларнинг малакаси камлигидан ёки инсофсизлигидан дарак беради. Сифатсиз тайёрланган молиявий режа нотугри хулоса чиқаришга ва корхона нуфузини пасайтиришга олиб келиши мумкин.

Молиявий режада молиявий ресурслар (капитал) қачон, қаерда ва нима мақсадда сарфланиши, бизнеснинг муваффақиятга эришиши учун корхона олдида турган мақсадлар батафсил ёритиб берилди. Бошқача қилиб айтганда, нафакат харажатлар, балки даромадлар ва бошка молиявий тушумлар ҳам курсатилади. Кунгилдагидек тайёрланган молиявий режадан корхона захираларини баҳолаш ва жалб қилиш, молиявий барқарорликни мустаҳкамлаш учун фойдаланиш мумкин.

Молиявий режанинг шунга ухшаш анъанавий режалардан фарқи шундаки, у бозордаги вазиятни тулалигича, хусусан, фонд бозоридаги вазиятни ҳисобга олишни мажбурий қилиб қуйган. Молиявий мухит тугрисидаги тулик ахборотнинг мавжудлиги бизнесда муваффақиятга эришиш учун муҳим замин тайёрлайди.

Молиявий режа бизнес-режа билан бир хил муддатга ишлаб чиқилади. мавжуд тавсияларга кура уни 3-5 йилга ишлаб чиқиш маъқул. Бунда дастлабки йил учун режадаги курсаткичларни ойлар бўйича, иккинчи йил учун чораклар бўйича ва кейинги давр учун йиллар бўйича гуруҳларга тақсимлаш мақсадга мувофиқ. Масалан, хорижий амалиётда бизнеснинг биринчи йили (янги корхона очилиши) учун молиявий режа курсаткичлари ойлар бўйича ва зар бир модда бўйича тақсимланади. Кейинги йилларда бу курсаткичлар йил давомида махсулотни сотиш ҳажми фоизларида аниқланади. Бундай режанинг умумий схемаси қуйида шаклда бўлиши мумкин:

Бир йилда сотув ҳажми - 100 жумлада:

ишлаб чиқариш харажатлари - 50 юклама харажаталр ва фойда - 50 шундан:

а) маркетинг ва сотув харажатлари - 15

б) жорий қилиш харажатлари - 10

в) бошқарув харажатлари - 8

г) солиқлар туланмасдан олдинги фойда - 17

Молиявий режанинг мухим кисми бу махсулотни сотиш хажмининг башорат килинишидир. У корхона уз товар ва хизматлари билан «эгаллаб» олишни мулжаллаган бозор улуши хакида тасаввурга эга булишга ёрдам бериши лозим. Шу сабабли башоартни биринчидан, ишлаб чиқариш режаси билан, иккинчидан, маркетинг режаси билан боғлаш

талаб килинади. Бозорни жиддий равишда тахлил қилмасдан утриб махсулот сотувини башорат қилиш у ёқда турсин, ишлаб чиқариш хажмини режалаштириш ҳам уз ахамиятини йукотади.

Махсулотни сотиш хажми башоратлари одатда корхонанинг маркетинг хизмати томонидан ишлаб чиқилади. Мавжуд тавсияларга қура у қуйидаги қуриниш ёки шаклда булиши лозим.

1-жадвал

Махсулотни сотиш хажми башоратлари

Курсаткичлар	Йил чораклари								Йилда	
	I		II		III		IV			
	Режа	Амал	Режа	Амал	Режа	Амал	Режа	Амал	Режа	Амал
1. Корхонанинг бозор салоҳияти (мазкур товар бирлигида)										
2. Товар нархи										
3. Сотиш хажми										
4. Мазкур товар буйича тармок бозорида корхона улуши										
5. Корхона чиқарган махсулотлар сони										
6. Режадаги йил бошида корхона омборларида мазкур товар захиралари										

Одатда бундай башоратлар 3-5 йилга қилинади. бунинг сабаби шундаки, дастлабки йилда корхона бозордаги вазият блан таниш булиб, ким учун махсулот ишлаб чиқаришни билади, кейинги йиллар учун эса биз буни таъқидлай олмаймиз. Шу сабабли иккинчи йилдан бошлаб корхона башорат баҳолари билан шугулланишга мажбур булади.

Молиявий режанинг иккинчи мухим бўлими тушум ва харажатлар баланси булиб, у бизнес-лойиханинг (янги иш, янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва хоказо) фойда келтириши ёки келтирмаслиги, шунингдек, бундай ишлаб чиқаришни ташкил қилиш учун қанча маблағ қиритиш лозимлигини баҳолашга имкон беради. Одатда у корхонанинг даромад ва харажатлари баланси деб аталади.

Мазкур бўлимнинг асосий вазифаси пул маблағлари қелиб тушиши ва сарфланишининг синхронлигини, яъни хар бир лахза учун ушбу маблағларнинг етарли эканлигини аниқлаши лозим. Бошқача қилиб айтганда, корхона активларини тезда пул маблағларига айлантириш ёки лойихани амалга оширишда унинг ликвидлигини аниқлатади. Шунинг эътиборга олиш керакки, ликвидлик билан боғлиқ муаммо бозор муносабатлари шароитларида корхоналарнинг муваффақиятсизликка учраши сабабларидан бири ҳисобланади.

Умуман даромад ва харажатлар баланси корxonанинг канчалик самарали ишлашини тавсифлайди. У шунингдек, солик декларацияларини тулдириш, кредит сураб мурожаат килишда ҳам катта ахамиятга эга.

Молиявий режанинг ушбу бўлимида акс эттирилувчи асосий курсаткичлар каторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- 1) мазкур товарни сотишдан келиб тушган пул тушуми;
- 2) махсулот ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ ишлаб чиқариш харажатлари (моддалар буйича);
- 3) умумишлаб чиқариш харажатлари (моддалар буйича);
- 4) солик ва бошқа туловлар;
- 5) соф фойда;
- 6) корхона тасарруфида қолувчи фойда.

Даромад ва харажатлар баланси билан бирга корхона йил боши ва охирида актив ва пасивлар йигма балансини туради. Бу ҳужжатнинг ахамияти даромад ва харажатлар баланси каби юкори бўлмасда, бизнес-режани усиз тузиш мумкин эмас. Ушбу баланс тижорат банки мутахассислари томонидан турли типда киритиш мулжалланаётган активларнинг мақсадга мувофиқлиги ва уларнинг суммасини баҳолаш, шунингдек, ушбу активларни қайси пасивлар ҳисобига молиялаштиришга ҳаракат қилинаётганлигини аниқлаш нуқтаи назаридан синчиклаб урганадилар. Корxonанинг узи учун бу ҳужжат молиялаштириш манбаларининг ишончилиги ва сифатлилигини баҳолаш учун керак бўлади.

2. Фермер хўжалигининг даромад ва харажатларни режалаштириш

“Харажатлар таркиби тўғрисида”ги қонунга кўра қишлоқ хўжалиги корxonаларининг молиявий натижалари қуйидаги даромад кўрсаткичлари билан тавсифланади:

1. Қишлоқ хўжалиги махсулотини сотишдан тушган ялпи даромад қишлоқ хўжалиги махсулотини сотишдан тушган тушум ва унинг ишлаб чиқарилиш таннарни ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

2. Асосий ишлаб чиқариш фаолиятдан даромад қишлоқ хўжалиги махсулотини сотишдан тушган ялпи даромад билан давр харажатлари плю ёки минус асосий фаолиятдан бошқа даромадлар ёки зарарлар ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

3. Умумхўжалик фаолиятдан даромад алгебраик сумма сифатида аниқланади: асосий фаолиятдан даромад + молиявий фаолиятдан даромад - молиявий фаолият харажатлари.

4. Солиқ тўлангунга қадар даромад умумхўжалик фаолиятдан даромад ва фавқулодда даромад ва зарарлар қолдиғи алгебраик суммаси сифатида аниқланади.

5. Қишлоқ хўжалиги корxonасининг солиқлар тўланганидан ўз ихтиёрида қолувчи соф даромад даромад солиғи ва бошқа солиқлар ва тўловлар чегирилган солиқ тўлангунга қадар даромад ҳисобланади.

Даромад ва харажатларни режалаштириш бизнес-режани ишлаб чиқишнинг яқунловчи босқичи бўлиб, у иктисодий ривожланиш тенденциялари, бозор, инфляция, ишлаб чиқариш технологияси ва ташкил қилинишида руй бериши мумкин бўлган узгаришлар тенденциялари ҳақидаги объектив ахборотларга таяниши лозим. Корxonаларни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёни бораётган, корxonалар мустақил хўжалик субъектларига айланиб, ишлаб

чикаришдаги «плюс» ва «минус»лар учун узлари тулик жавоб бераётган ҳозирги шароитларда даромад ва харажатлар курсаткичларини аниқлаш объектив заруратга айланиб бормокда.

Даромад ва харажатлар режасида корхонани молиялаштириш натижалари фаолият турлари буйича фойдалилик нуктаи назаридан келтирилади. Унда корхонанинг режадаги давр учун даромад ва харажатларининг ҳисоб-китоб баҳоси берилади. Молиявий натижалар ва харажатлар моддаларини режалаштириш 1999 йил 5 февралда тасдиқланган «Молиявий натижаларни шакллантириш тартиби ва маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб чикариш ва сотиш харажатлари таркиби тугрисидаги Низом»¹га асосан амалга оширилади.

Ушбу коидалар маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб чикариш ва сотиш харажатларини аниқлашнинг ягона методолгик асослари ва корхонанинг молиявий натижаларини шакллантириш тартибини белгилаб беради.

Корхона фаолиятининг молиявий натижалари куйидаги фойда курсаткичлари билан тавсифланади:

1Маҳсулотни сотишдан олинувчи ялпи фойда, маҳсулот сотишдан келиб тушган соф тушум билан сотилган маҳсулотнинг ишлаб чикариш таннархи ўртасидаги фарк сифатида аниқланади:

ЯФ= ССТ - ИТ,

бу ерда

ЯФ - ялпи фойда;

ССТ - сотишдан келиб тушувчи соф тушум;

ИТ - сотилган маҳсулотнинг ишлаб чикариш таннархи;

2. **Асосий фаолиятдан қурилган фойда** - маҳсулот сотишдан олинувчи ялпи фойда билан вақт харажатлари ўртасидаги фарк сифатида плюс бошка даромадлар ва минус асосий фаолиятнинг бошка харажатлари:

АФФ= ЯФ - ДХ - БД - БЗ,

бу ерда

АФФ -асосий фаолиятдан олинган фойда;

ДХ - давр харажатлари;

БД - асосий фаолиятнинг бошка даромадлари;

БЗ - асосий фаолиятдан қурилган бошка зарарлар;

3. **Умумхужалик фаолияти натижасидан фойда (ёки зарар)**, куйидагича ҳисобланади: асосий фаолиятдан олинувчи миқдори плюс даромадлар минус молиявий фаолият буйича харажатлар.

УФ=к АФФ - МД - МХ

бу ерда

УФ- умумхужалик фаолияти натижасидаги фойда;

МД - молиявий фаолият даромадлари;

МХ - молиявий фаолият харажатлари;

4. **Солиқ туланмасдан олдинги фойда**, умумхужалик фаолиятидан олинувчи фойда плюс фавқулудда фойда минус фавқулудда харажатлар сифатида аниқланади.

СТФ = УФ - ФП - ФЗ,

бу ерда

СТФ - солиқ туланмасдан олдинги фойда;

¹ «Молиявий натижаларни шакллантириш тартиби ва маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб чикариш ва сотиш таркиби тугрисидаги Низом» 1999 йил 5 феврал харажатлари

ФП - фавкулодда вазиятларда олинган фойда;

ФЗ - фавкулодда вазиятларда курилган зарар;

5. **Йиллик соф фойда**, соликлар тулангандан сунг хужалик субъекти тасарруфида колади, солик туланмасдан олдинги фойдадан даромад (фойда) солиги хамда конунчиликда белгиланган бошка солик ва мажбурий туловларни чикариб ташлаш йули билан топилади:

СФ = СТФ - ДС - БС,

бу ерда

СФ - соф фойда;

ДС - даромад (фойда) солиги;

БС - бошка солик ва туловлар.

Низомга кура барча харажатлар куйидаги гурухларга таксимланади:
махсулотнинг ишлаб чикариш таннархига киритилувчи харажатлар:

а) бевосита ва билвосита моддий харажатлар;

б) бевосита ва билвосита мехнат харажатлари;

в) бошка бевосита ва билвосита харажатлар, жумладан, ишлаб чикариш характеридаги юклама харажатлари;

ишлаб чикариш таннархига киритилмаган, бироқ давр харажатлари таркибига киритилувчи харажатлар, асосий фаолиятдан олинувчи фойдани аниклашда хисобга олинади:

а) сотиш харажатлари;

б) бошкарув харажатлари (маъмурий харажатлар);

в) бошка операцион харажатлари;

хужалик субъектининг молиявий фаолияти буйича харажатлар, унинг умумхужалик фаолиятида олувчи фойда ёки зарарини аниклашда хисобга олинади:

а) фоизлар буйича харажатлар;

б) хорижий валюталар билан операцияларда валюта курсидаги салбий арklar;

в) кимматли когозларга киритилган маблагларнинг кайта бахоланиши;

г) молиявий фаолият буйича бошка харажатлар;

фавкулодда харажатлар, даромад (фойда) солиги туланмасдан олдинги фойда ёки зарар микдорини аниклашда хисобга олинади.

Даромад ва харажатлар баланси куйидаги куринишгача булади:

№	Курсаткич номи	Сумма (минг сум)
1	2	3
	Даромадлар ва пул тушумлари	
1	Махсулот, иш ва хизматларни сотишдан олинувчи фойда	
2	Бошка активларни, хусусан, моддий захира ва номоддий активларни сотишдан олинувчи фойда	
3	Асосий воситаларни сотишдан олинувчи фойда	
4	Бошка корхоналардаги улушлардан олинувчи фойда	
5	Акция, облигация ва бошка кимматли коғозлардан олинувчи фойда	
6	Валюта курсидаги фарқлар, ким ошди савдоларида валюта сотиш ёки сотиб олишдан олинувчи даромад	
7	Асосий воситаларни тулик тиклаш учун амортизация ажратмалари	
8	Узок муддатли банк ссудалари	
9	Лизинг буйича мулк кийматидан юкори ижара тулови	
10	Айланма воситаларнинг узишига ссуда	
11	Бошка даромадлар ва пул тушумлари	
	Жами даромадлар ва пул тушумлари	
	Харажатлар ва пул ажратмалари	
1	Фойда солиги	
2	Мулк солиги	
3	Акциядорларга берилувчи дивидендлар	
4	Капитал куйилмалар (узок муддатли инвестиция)	
5	Узок муддатли молиявий куйилмалар	
6	Узок муддатли ссудалар ва улар буйича фоизларнинг	
7	Айланма воситаларнинг узиши	
8	Айланма воситаларнинг узишига берилувчи ссудаларнинг туланиши	
9	Товарларни арзонлаштириш	
10	Умидсиз қарзларни тулаш захираси	
11	Жамгарма фонлига ажратмалар	
12	ИИТКИ фондига ажратмалар	
13	Ижтимоий эҳтиёжларга йуналтирилувчи маблағлар фондига ажратмалар	
14	Моддий ёрдам фондига ажратмалар	
15	Суғурта (захира) фонди	
16	Бошка харажат ва ажратмалар	
	Жами харажат ва ажратмалар	

3. Корхонанинг пул окимлари, башорат баланси ва зарар курмаслигини баҳолаш

Пул маблағларининг ҳаракатланиш режаси нақд пулнинг шаклланиши ва четга чиқиши, шунингдек, корхонада қолган пул маблағлари динамикасини тавсифлайди. У молиявий менеждерга келгусидаги пул окимларини баҳолаш, қолган пул маблағларини оптимал даражада ушлаб туриш ҳамда пулнинг ортикчалиги ва такчиллигининг олдини олишга имкон беради.

Пул окимлари режаси одатда туртта асосий бўлимдан иборат булади:

- пул тушумлари бўлими, давр бошидаги пул маблағлари қолдиги, миқдорлардан келиб тушувчи пул тушуми ва бошқа пул тушумларидан иборат;
- пул маблағлари харажатлари бўлими;
- пул маблағларининг ортикчалиги ёки такчиллиги бўлими (пул маблағларининг келиб тушиши ва сарфланиши ўртасидаги фарқ);
- қарз маблағлари ва уларни тулаш батафсил баён қилинувчи бўлим.

Пул окими режасидаги якуний рақам корхона фойдасини эмас, балки унинг пул маблағлари айланмаси сальдосини ақс эттиради. Даромад ва харажатлар режасидан фарқли равишда, пул окимлари режаси барча манбалардан амалда келиб тушувчи пул маблағларини, хусусан, маҳсулот (иш, хизмат) сотишдан келиб тушувчи тушумлар, акциялар ва корхонанинг бошқа активларини сотишдан келиб тушувчи тушумларни ақс эттиради. Харажатларга келадиган булсақ, пул окимлари режасига амалда туланувчи барча аражатлар киритилади.

Молиявий режанинг кейинги асосий хужжати бу башорат баланси булиб, унинг асосий вазифаси режалаштириш ораликлари бўйича корхона мулканинг (активлар) узгариши ва унинг шаклланиш манбалари (пассивлар) динамикасини ақс эттириш ҳисобланади. Башорат баланси йириклаштирилган шаклдаги бўғалтерия балансининг аънавий шаклида ҳисоблаб чиқилади.

Башорат баланси корхона учун қўнғилсиз натижалар келтириб чиқарувчи қарорларни аниқлаш, молиявий коэффициентларни ҳисоблаш ва молия бозори талаблари нуктаи назаридан уларнинг даражасини баҳолаш, келажакдаги молиявий манба ва мажбуриятлар структурасини ажратиб қўрсатишга имкон беради.

Молиявий режанинг, шунингдек, ҳар қандай тадбиркорлик лойихасининг қўнғулоччи босқичи зарарсизлик нуктасини таҳлил қилиш, яъни маҳсулотни сотишдан олинувчи даромад уни ишлаб чиқариш харажатларига тенг булувчи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини аниқлаш ҳисобланади.

Зарарсизлик нуктасини график шаклида қўрсатиш ҳам мақсадна мувофиқ булиб, у корхона фойда олишни бошлайдиган ишлаб чиқариш ҳажмини (критик дастур) аниқлашга имкон беради. Графикни қўриш учун доимий ва угарувчан харажатларни, сотув ҳажмини билиш зарур. Зарарсизлик нуктаси графикда схема қўринишида булиб, ишлаб чиқариш ҳажми, сотув нархи ва маҳсулот таннархининг фойдага қўрсатувчи таъсирини ақс эттиради.

Умуман олганда молиявий режанинг мақсади корхона (бизнес) салоҳиятини қўрсатиш ва молиявий ҳаёт лаёқатига эришиш графикини тақдим этишдир. Келгусида ундан корхонанинг молиявий ресурсларини оператив бошқаришда фойдаланиш мумкин.

Муҳокама ва назорат саволлари

1. Башорат қилинувчи даромад нима?
2. Корхона балансининг таркиби нималардан иборат?

3. Корхонанинг пул маблаглари хакидаги хисобот.
4. Корхонанинг ишбилармонлик фаоллиги курсаткичлари.
5. Бизнеснинг зарарсизлик даражаси.
6. Даромад ва харажатлар балансида акс эттирилувчи асосий курсаткичлар каторига кайсиларни киритиш мумкин?
7. Махсулотни сотиш хажми башоратлари кандай куруниш ёки шаклда булиши лозим?
8. Корхона фаолиятининг молиявий натижалари кандай фойда курсаткичлари билан тавсифланади
9. Пул оқимлари режаси одатда нечта асосий бўлимдан иборат булади?

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Бочаров В.Р. Инвестиции: Учебник для вузов. – 2-е изд.-СПб.: Питер, 2008. – 384 с. Ил.- (Серия “Учебник для вузов”).
2. Имомов Ҳ.Ҳ. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. –Тошкент, Iqtisod-moliya. 2010. – 164 б.
3. Жўраев А.С. ва бошқалар. Инвестиция лойиҳалари таҳлили. Ўқув қўлланма. – Т.: Шарқ. 2003.-246 б.
4. Эргашева Ш., Узоқов А. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. - Т.: Иқтисод-молия, 2008.-208 б.
5. Абдувасиқов А.А., Тўхтаева С.Ғ. Агросаноат мажмуаси корхоналарида инвестициялаш ва лойиҳалар таҳлили. Ўқув қўлланма.-Т.: 2009.-187 б.
6. Ковалев В.В. Методы оценки инвестиционных проектов. –М.: Финансы и статистика, 2008.- 176 с.
7. Ишмухамедов А.Э, Қосимов. М.С, Жумаев. З.А, Жумаев Қ.Х. Лойиҳа таҳлили. Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси. Адабиёт жамғармаси нашриёти.-Т.: ТДИУ. 2004. -159 с.